

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Йигирма иккинчи кисм

«Эй, Набийнинг аёллари! Сизлар аёллардан бирортаси каби эмассиз. Агар такво килсангиз, майин сўз килманг, яна калбида касали бор бўлган тамаъ килиб юрмасин. Гапирганда яхши гапни гапиринглар». (Ахзоб сураси, 32-оят)

Яъни сизларнинг бошка хамма аёллардан фарқларингиз бор. Сизлар Пайгамбарнинг хотинларисиз, мўминларнинг оналарисиз. Хамма мўминалар учун ўрнаксизлар.

Ха, сизлар аёллардан бирортаси каби эмассизлар. Бу макомга эришишларингиз учун Пайгамбарга жуфти халол бўлганингизнинг ўзи етмайди, такво хам килишларингиз керак.

«Агар такво килсангиз, майин сўз килманг...»

Овозингизни майин, назокатли килиб, эркак кишига таъсир этадиган холатда гапирманг.

«...яна калбида касали бор бўлган тамаъ килиб юрмасин.»

Мунофик ва иймони заифлар сизнинг майин овозингизни эшитиб, фиску фужурни бошлаб колмасинлар.

«Гапирганда яхши гапни гапиринглар.»

Амри маъруф бўладиган, кишиларни таквога, яхшиликка чакирадиган гаплардан гапиринглар.

«Эсла, сен Аллох неъмат берган ва сен хам неъмат берган шахсга: «Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллохга такво кил», дер эдинг. Ва ичингда Аллох ошкор килгувчи бўлган нарсани махфий тутардинг ва одамлардан кўркардинг, холбуки, Аллохдан кўркмогинг хаклирок эди. Качонки Зайд ундан ўз хожатини адо этгач, Биз сени унга уйлантирдик. Токи, мўминларга ўз асранди болаларининг хотинларида, улардан хожатларини адо килишгач, танглик бўлмасин деб. Ва Аллохнинг амри амал килиниши лозим бўлгандир». (Ахзоб сураси, 37-оят)

«Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллохга такво кил», дер эдинг».

Муаллиф:

02.08.2013 02:33 - Янгиланди 30.06.2017 23:30

Аввал айтиб ўтилганидек, Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ўзлари совчи бўлиб, ўртада туриб, Зайд ва Зайнаб икковларини никохлаб кўйган эдилар. Зайнаб розияллоху анхо Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг аммалари Умайма бинти Абдулмуттолибнинг кизи эди. Унинг махрига ўн динору олтиш дирхам пул, бир рўмол, бир чойшаб, бир кўйлак, саксон мудд таом ва ўн мудд хурмо берилган эди. Мукотил ибн Хиббоннинг айтишича, бир йил ёки ундан сал кўпрок бирга яшаганлар. Сўнгра Зайд розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга хотинидан шикоят қилиб кела бошлади. Ул Зот соллаллоху алайхи васаллам эса унга: **«Жуфтингни ўзинг ила тутиб тур ва Аллохга такво кил»**, дер эдилар.

«Уларга ўз оталари, ўгиллари, ака-укалари, ака-укаларининг ўгиллари, опа-сингилларнинг ўгиллари, ўз аёллари ва кўллари остида мулк бўлган(кул)лари хақида гуноҳ йўқдир. (Эй, Пайгамбар аёллари,) Аллохга такво қилинглар. Албатта, Аллох хар бир нарсага шохид Зотдир». (Ахзоб сураси, 55-оят)

«Аллохга такво қилинглар. Албатта, Аллох хар бир нарсага шохид Зотдир», демокда. Бу ишларнинг барчасида такво энг мухим омил ҳисобланади. Агар такво бўлмаса, парда иш бериши кийин. Бундай ишларда Аллох хар бир нарсага шохид эканини доимо хис этиб турилмаса, парда канча калин бўлса ҳам, иш бериши кийин. Ха, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг оилалари шунчалик эътиборга сазовордирлар. Ул Зот соллаллоху алайхи васалламнинг шарафлари худди шуни такозо қилади. Нима учун умматлардан, мўмин-мусулмонлардан у кишига нисбатан бунчалик иззат-икром бўлмасин экан?!

«Эй, иймон келтирганлар! Аллохга такво қилинглар ва тўгри сўз сўзланглар». (Ахзоб сураси, 70-оят)

Ана шундагина мунофиқлар, иймони заифлар ва мишмишчиларнинг игвосига учмайсиз. Аллохга такво қилсангиз, Ундан доимо кўркиб турсангиз, нафакат Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга, балки бошка бировга ҳам озор беришга ботина олмайсиз. **«...ва тўгри сўз сўзланглар.»**

Сўзингиз доимо тўгри бўлсин, рост бўлсин, кучли бўлсин, мақсадни кўзлаган бўлсин.

Аллох, аёлларимизга мўминлар оналарининг такволари ила такволанишларини насиб айлагин. Жуфтларимиз ва оила аъзоларимиз ила бўладиган муносабатларимизни ҳам такво асосида бўлишига Ўзинг мададкор бўл. Бизларни такво қилишга ва тўгри сўз сўзлашга муваффақ қилгин.